Ушбу сонда:
2 Иқтисодиётимиз таянчи СОЛИҚ ЁЛҒОННИ ЁҚТИРМАЙДИ
3 АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 8 феврал, шанба № 24 (1449)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қурбонлик ва оила қадриятлари тўғрисида ўй-фикр юритиладиган ушбу муборак онда мен Америка халқи номидан Ийд ал-Адҳо - Қурбон ҳайити муносабати билан энг эзгу тилакларни изҳор этаман. Америка халқи бу қадриятларни Ўзбекистон халқи билан бирга баҳам кўради ва унга ўтган йилги мадади учун миннатдорлик билдиради. Умид қиламизки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик келгусида ҳам ўсишда давом этади.

Самимият ила,

Жорж БУШ,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муқаддас Ийд ал-Адҳонинг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва дўст Ўзбекистон халқига шахсан ўзим ва Сурия халқи номидан самимий табрик ва эзгу тилаклар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, халқингизга эса давомий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Қодир Аллоҳдан барча эзгу амалларимизни ислом уммати равнақига йўллашини сўрайман.

Эҳтиром ила,

Башар ал-АСАД,
Сурия Араб Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент,

Қурбон байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини чин юракдан қутлайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Туркия халқи ва ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт-саодат ҳамда Ўзбекистон халқига омонлик ва фаровонлик истаб, энг яхши тилакларимни йўллайман.

Аҳмет Неждет СЕЗЕР,
Туркия Республикаси Президенти

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом авлодни вояга етказишга катта эътибор берилмоқда. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларидан иборат уч босқичли узлуксиз тизим яратилгани, Президентимиз Фармонига биноан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилгани фикримизнинг далилидир.

7 феврал куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлиси бўлди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти, мазкур Кенгаш Раиси Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари қатнашди.

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлагановнинг ахбороти тингланди.

Бугунгача барча вилоятларда жамғарманинг минтақавий филиаллари ва уларнинг ҳомийлик кенгашлари тузилди. Эндиги асосий масала намунавий лойиҳалар асосида болалар учун мўлжалланган спорт иншоотлари қуришдан иборат. Жамғарма ҳисоб рақамига маблағлар келиб туша бошлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу масала юзасидан ўз фикрини билдирар экан, мамлакатимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилгани эзгу мақсадларни амалга оширишга қаратилган катта ҳаракатнинг бошланиши эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунинг учун ҳам бу борада шошма-шошарлик билан енгил-елпи, пала-партиш иш юритиб бўлмайди.

Болаларга мўлжалланган спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари тайёрлангани яхши. Лекин бу мажмуаларни бунёд этишга киришишдан олдин, уларни қаерда, қандай шаклда, қайси спорт турларига мўлжаллаш тўғрироқ бўлишини чуқур таҳлил қилиш зарур. Ҳозир спортнинг халқаро микёсда тан олинган 97 тури бўлса, Ўзбекистон шароитида уларнинг қайсиларига алоҳида эътибор бериш ва ривожлантириш яхши самара беришига ойдинлик киритиб олиш керак.

Ислом Каримов мутасадди раҳбарларнинг диққатини болалар спортини ривожлантиришни катта спорт соҳасида қилинаётган ишлар билан аралаштириб юбормаслик жуда муҳимлигига, режалаштирилаётган қурилишлар, аввало, қишлоқ жойларидан, мамлакатимизнинг чекка-чекка ҳудудларидан бошланиши лозимлигига қаратди. Зеро, юртимизнинг қишлоқ ва овулларидаги болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароит етарли даражада эмас. Бир пайтлар қурилган ўрта таълим муассасаларининг спорт майдончалари ҳам замон талабига жавоб бермайди.

Мавжуд аҳволни чуқур ўрганиш, бошланғич синф ўқувчиларини спортнинг қайси турлари билан шуғуллантирганимиз маъқул, деган саволга жавоб топишимиз лозим, деди давлатимиз раҳбари. Чунки бугун кўрилаётган масала шунчаки спортни ривожлантириш эмас, миллат келажаги, юртнинг эртаси билан бевосита боғлиқ. Болаларда жисмоний тарбияга меҳр, интилиш уйғотиш, уларни спортнинг сеҳрли оламига олиб кириш ҳар биримизнинг кундалик вазифамиз бўлиб қолиши керак. Мана шу жиҳатга эътибор қаратмай туриб, соғлом миллат, соғлом жамият ҳақида гапириш қийин.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро талабларга жавоб берадиган кўплаб коллеж ва лицейлар барпо этилди. Улар замонавий спорт мажмуига эга. Хўш, катта маблағ эвазига бунёд этилган бундай масканлар рисоладагидек ишлаяптими? Ахир улар хўжакўрсинга қурилгани йўқ-ку. Ислом Каримов қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган болаларга ушбу мажмуалардан фойдаланиш имкониятини яратиш зарурлигини уқтирди.

Навоий вилоятини чўл зонасида жойлашган, сув танқис минтақалар сирасига киритамиз. Лекин мамлакат сув спорти захираси айнан ана шу вилоятда. Демак, астойдил ҳаракат қилиш ва интилиш орқали ҳар қандай маррани эгаллаш мумкин. Шу ўринда, Навоий кон-металлургия комбинатининг спортни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссасини айтиб ўтиш жоиз.

Ҳар қандай муаммога мантиқий нуқтаи назардан ёндашмай туриб, ечим топиш мушкул. Жумладан, ўзбек қизларини спортга жалб этишдан олдин, масаланинг нозик жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш лозим. Аввало, спортнинг ҳамма тури ҳам халқимизга, айниқса, иффатли ва иболи қизларимизга тўғри келавермайди. Қизларимизни спортнинг қайсидир тури билан шуғулланишини истасак, иқлим шароитимизга ва менталитетимизга мос спорт кийимлари яратишимиз керак.

Спортчи қизларимизни шундай кийинтирайликки, уларни кўрган бошқа болаларда ҳам бундай бежирим кийимларни кийишга, спорт билан шуғулланишга иштиёқ туғилсин. Бу хусусда «Ўзбекенгилсаноат» компанияси мутасаддилари бош қотириши, ўз таклифларини бериши лозим.

Мустақиллик йилларида вояга етган ёшларнинг халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари ҳаммамизни қувонтиради. Юртимиз фарзандларининг ўтган қисқа вақт ичида турли даражадаги беллашувларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганидан фахрлансак арзийди. Шунинг учун болалар спортини ривожлантиришни катта спорт билан аралаштирмаслик лозим, деган гапга бу соҳага эътибор камайиши сифатида қараш ноўриндир. Катта спорт ўз йўлида давом этаверади. Халқаро мусобақаларга болалар спортини ривожлантириш орқали чиқсак, ҳам миллат соғлом бўлади, ҳам чемпионларимиз сони янада кўпаяди.

Ватанимиз обрўсини оширадиган, халқимиз қалбида ифтихор туйғусини ўстирадиган, дунёнинг энг машҳур спортчилари билан тенглашадиган ёшларимиз ҳақида гапирмоқдамиз. Халқимиз орасида юрт шуҳрати, миллат шаънини кўкларга кўтара оладиган истеъдод эгалари бисёр. Фақат уларга етарли шароит яратиш, вақтида кашф қила билиш керак. Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом, кучли, бақувват, мард ва жасур қилиб тарбиялашда, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда спортнинг аҳамияти бениҳоя катта.

Спорт ёш авлод маънавий камолотининг ҳам гаровидир. У орқали жамоага ҳурмат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бир-бирининг ютуғидан қувониш орқали ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик сингари инсоний фазилатлар айнан болаликда, спорт воситасида осон шаклланиши мумкинлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Болаларга ватанпарварлик, халқпарварлик ҳақида узундан-узоқ маъруза ўқигандан кўра, бу юксак туйғуларни жисмоний тарбия ва спорт орқали уларнинг қалбига сингдириш кўпроқ наф келтиради.

Мактабларда ўтилаётган жисмоний тарбия дарсларининг савиясини ошириш ҳам долзарб масалалардан биридир. Давлатимиз раҳбари шу пайтгача жисмоний тарбия фани бўйича бирор дарслик, бирон қўлланма ёки суратли албомлар нашр этилмаганини қайд этди. Матбуот ва ахборот агентлигига тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ана шу йўналишдаги фаолиятни кучайтириш тавсия этилди.

Мажлисда мактаб ва маҳалла алоқасини, ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, оилавий мусобақалар ташкил этиш муҳимлигига эътибор қаратилди. Ота-она ҳеч бўлмаса шанба-якшанба кунлари ўз фарзандларини олиб стадионга борса, ўзи ёқтирган спорт билан шуғулланса, шу куни ўша оилага нур ёғилгандек бўлади, деди Ислом Каримов. «Маҳалла» жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари Наврўз байрамига бағишлаб спортчи оилалар мусобақаларини ташкил этса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мажлисда жойларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ҳокимлари, мутасадди раҳбарлари ахборот берди.

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

«ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий қадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. «Обод маҳалла йили» дастури тасдиқлансин.

Мазкур дастур:

маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги роли ва мақомини янада мустаҳкамлашга;

маҳалла фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга, унинг ваколатларини кенгайтиришга ва фуқаролик жамияти институти сифатидаги масъулиятини оширишга;

маҳалла фаолиятининг моддий базасини мустаҳкамлашга, маҳалла ҳудудида тадбиркорликни, хизматлар кўрсатиш ва савдо соҳаларини ривожлантиришга, шулар ҳисобига янги иш ўринлари барпо этишга;

маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, унинг ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлашга, коммунал тармоқларни ривожлантиришга;

маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдамни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга;

кекса авлодга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга;

маҳалла аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатилишини яхшилашга, болалар спортини ривожлантиришга;

маҳалланинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат ва маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ миллий қадрият ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш тўғрисида таклиф киритсинлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этганлик учун давлат божининг бир қисмини ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим ва бошқа тушумларни мазкур жамғармаларни маблағ билан таъминлаш манбалари этиб белгиласинлар.

3. «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ушбу дастурда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида манфаатдор идоралар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, «Обод маҳалла йили» дастурининг қандай бажарилаётганини муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриб борсин;

йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича дастур топшириқларининг ҳисобот даврида бажарилиши натижалари тўғрисида чоракдан кейинги ойнинг 7-санасигача Республика комиссиясига таҳлилий ахборотни тақдим этсин.

5. «Маҳалла» хайрия жамғармаси Республика Хотин-кизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда тўй-маърака ва бошқа маросимларни анъаналаримизга хос тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Республика комиссиясига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситаларига «Обод маҳалла йили» дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг маъно-моҳияти ва аҳамиятини кенг тушунтириш, уларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишларни холис ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 феврал

«Ишонч» фош этади

ЎЗГАНИНГ ҲАҚИ...

Оролбўйи кишилари мустаҳкам иродали, сабр-каноатли, ўз садоқатларини амалда намойиш этаётган асл фидойилардир. Экологик мураккаб заминда деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун омилкорликдан ташқари кунига катор муаммоларни ҳал этиб ишлашга тўғри келади. Мақсадга эришишда Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бироқ ҳаёт қизиқ экан, шундай кимсалар ҳам борки, уларнинг ношукурлиги, пулга тузоқ қўйганлиги кишини ажаблантиради. Прокуратура органлари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор қарорларнинг ижросини таъминлашдаги аҳвол атрофлича ўрганилганида ғалати бир манзарага дуч келинди. Аниқроғи бир қарашда ўз ўрнини топган, билимли раҳбарлар ўз мансабини суиистеъмол қилиб, қинғир ишларга қўл уришган. Мисолларга эътиборни қаратсак, «Қорақалпоқ почтаси» акционерлик жамиятининг Бўзатов бўлими раҳбарлари иккиланмай пенсионерларга тегишли бўлган 2 миллион 613 минг сўм маблағни сув қилиб юборишган. «Халқ банки»нинг Тўрткўл тумани бўлими ғазначиси Эргаш Нуриев хушмуомала, ташкилотчи сифатида танилганди. Бироқ у назоратнинг сустлигидан фойдаланиб, фуқароларга тарқатилиши лозим бўлган 458.345 сўм пулни қалбаки ҳужжат асосида киссага урган.

Чиллаки чиллакини кўриб... деганларидек, Беруний туман Алоқа бўлими бошлиғи Ражаббой Адамбоев ҳам бўш келмабди. Қизиғи шундаки, у ўзига тўқ, бола-чақадан қутилган, ҳалол ишлаб бемалол рўзғор тебратиб юрса бўларди. Нияти чатоқлигини ҳамкасблари нафақахўрларнинг бир ярим миллион сўмдан ортиқ маблағини ўзлаштираётганида тузоққа илингач пайқашди. Кузатувлар шуни кўрсатдики, Вазирлар Маҳкамасининг иш ҳақини ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорини бажариш борасида ҳам қатор камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Ушбу қонунда иш ҳақи ҳар қандай шароитда ҳам вақтида тўланиши кераклиги аниқ белгилаб берилган. Буни Тўрткўл туманидаги «Уллибоғ» ширкат хўжалиги ғазначиси яхши била туриб, нафс йўлига кирган. Баъзи раҳбарларнинг, касаба уюшма қўмитасининг бепарволигидан фойдаланиб, ишчиларнинг меҳнат ҳақи юзасидан қалбаки ҳужжат тўлдириб, 675.300 сўм пулни жиғилдонга урган.

Инсон ҳаётида хато қилиши, камчиликка йўл қўйиши мумкин. Бироқ хатонинг хатодан фарқи бор. Кўра била туриб, ўзгалар ҳақига кўз олайтириш гуноҳи азим. Яхши раҳбар бурч масъулиятини ҳар қадамда чуқур ҳис этади. Ўз бахтини, хурсандчилигини қўл остидаги кишиларнинг яхши ҳаёти, муваффақиятларида кўради. Бироқ Амударёдаги Й.Ўразбоев номли ширкат хўжалиги раҳбарлари катта миқдордаги ойлик маошдан қарздорликни бартараф этиш, 61.550.201 сўм дебитор қарзни ундириш чораларини кўрмай бамайлихотир юришгани ғоятда ажабланарли.

Мустақил Ўзбекистонимизда меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқи қонун ҳимоясида. Шунга қарамай айрим жойларда ўзибўларчилик, бўшашувчанлик, сен менга тегма, мен сенга, қабилида иш юритилаётганлиги оқибатида эгри ишларга йўл очилмоқда. Қаранг, Амударё тумани ҳокими қарори билан «Манғит» кўчма механизациялашган жамланма очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти балансидаги «ёшлар маркази» биноси қонунга зид равишда балансдан чиқарилган. Прокуратуранинг аралашуви билан мазкур қарор бекор қилинди.

Ҳозирги кунда кичик, ўрта бизнес, тадбиркорликка кенг йўл берилган. Мустақиллик йилларида уларга яратилган шарт-шароитлар натижасида маҳсулот етиштиришда сифат ва самарадорлик таъминланяпти, янги иш ўринлари жорий этилмоқда. Бу яхши. Аммо тадбиркорлар, хусусан, фермерларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун қайсидир маънода тўсиқлар мавжудлиги бор гап. Мана бу мисол шу фикрнинг исботи. Амударёлик Б.Ражабов, С.Бобожонов, У.Юлдашев, Т.Тўраев, Й.Нурмонбетов ва К.Ҳайтимбетовлар фермер хўжаликлари ташкил этишга йўналтирилган тендерда ғолиб чиқишган бўлса-да, негадир туман ҳокими қарори билан Алининг тўни Валига кийгизилган. Яъни ғолиблар четда қолиб, уларга ажратилган ерлар ноқонуний тарзда ўзгаларга берилди. Бу эзгу ишга бел боғлаган, омилкор кишиларнинг шаштини қайтарди. Тегишли идораларнинг ходимлари бу адолатсизликка чек қўйдилар.

Шундай кимсалар борки, улар нима қилиб бўлса-да бойлик орттиришга рўжу қўйишган. Баъзи кишилар билан суҳбатлашсангиз, наҳотки, шу кимса ўзгалар ҳақига кўз олайтирган бўлса, дея таажжубга тушасиз. Нукус шаҳар давлат солиқ инспекциясининг юридик шахсларни солиққа тортиш, назорат ва таҳлил қилиш бўлими инспектори Р.Нуримбетова билан савол-жавобда худди шундай ҳолга тушдик. У «Йўлбарс» хусусий корхонаси раҳбари Ш.Матяқубовга банкдан кредит ундириб бераман, деган алдов билан бир миллион сўмини шилиб олган.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида жойларда кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Бунда очиқ эшиклар куни ташкил этилганлиги муҳим аҳамият касб этаяпти. Корхона ва ташкилотлар, хўжаликларда ўтказилаётган савол-жавоблар кишиларда ҳуқуқий саводхонликни таъминлашга ҳисса қўшаяпти. Ҳамжиҳатликда амалга оширилаётган тадбирлар шарофати ила иш ҳақидан қарздорлик камаймоқда.

Кўзбўямачилик, ўзгалар ҳақига кўз олайтириш гуноҳи азим. Бу каби иллатларга қарши курашиш барчанинг, ҳар бир ориятли, виждонли кишининг бурчидир.

Ҳ.ХАЛИМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори,
III-даражали давлат адлия маслаҳатчиси,
А.ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ғ.Қ.Тишаевни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ғофуржон Қодирович Тишаев Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 феврал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

М.И.Ўтагановни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Маҳмуджон Иноятович Ўтаганов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 феврал

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Юртбошимиз томонидан 2003 йил мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди.

Президент Фармойиши билан «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси тузилди. Мазкур комиссия давлат, нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари, шунингдек, маҳаллалар вакилларини кенг жалб этган ҳолда маҳаллаларимиздаги мавжуд муаммолар, қилиниши лозим бўлган ишларни атрофлича ўрганиб, йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий тадбирларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Мазкур Дастур етти йўналишдаги ҳаётий муҳим масалаларни ўз ичига қамраган. Улар қаторига, жумладан:

маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

маҳалланинг моддий базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

маҳаллаларда тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва савдони, кичик бизнес соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини барпо этиш;

маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жиҳозлаш, йўллар, кўчалар ва коммунал тармоқларни яроқли ҳолатда сақланишини таъминлаш;

маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдам кўрсатиш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш;

кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш;

маҳаллалар аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, болалар спортини ривожлантириш;

маънавий-ахлоқий тарбия масалаларида маҳалла фаоллигини ошириш вазифалари киради.

«Обод маҳалла йили» дастури доирасида:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш махсус жамғармаларини ташкил этиш;

кам таъминланган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг рўзғор хўжалигини йўлга қўйиб олишига кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари ва турли жамғармаларнинг кредитларини кенг жалб этиш;

кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, жумладан, 950 та маиший хизмат шохобчалари ташкил этиш орқали 160 минг янги иш ўринлари яратиш;

республикадаги 433 маҳаллада 2,6 минг км. газ тармоқларини барпо этиш, 436 маҳаллада эса 1720 км. сув қувурлари ётқизиш орқали аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик сув билан доимий таъминлаш;

12500 минг кв.м. уй-жой фондини мукаммал таъмирлаш ҳисобига маҳалла аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш, 500 маҳалладаги 1000 км.дан ортиқ йўлни таъмирлаш, асфальтлаш ва ободонлаштириш, замонавий маҳалла гузарларини барпо этиш;

ҳар йили 20 минг нафаргача фахрийларимизнинг санаторий ва шифохоналарда соғлиқларини тиклаш;

муҳтож кексалар ва ногиронларни протез-ортопедия буюмлари, аравачалар, эшитиш ва кўриш мосламалари билан имтиёзли таъминлаш;

узоқ қишлоқ ва овулларда яшайдиган аҳолини тиббий-ижтимоий потранаж хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш;

маҳаллалардаги 16 ёшгача бўлган болаларни барча давлат спорт иншоотларига бепул қатнашига имконият яратиш сингари кўплаб муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Юртбошимиз томонидан кўп маротаба эътибор қаратилаётган муҳим маънавий-маърифий масалалар: анъанавий удумлар, тўй ва маъракалар ҳамда бошқа маросимларни тежамкорлик билан ўтказиш бўйича маҳалла фаоллари, имомхатиблар, маданият ходимлари, хотин-қизлар қўмиталарига тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

«Обод маҳалла йили» дастурини тўла амалга ошириш учун 375,9 миллиард сўм маблағ, шу жумладан, 169,5 миллиард сўм давлат бюджети ҳамда корхоналар, бюджетдан ташқари жамғармалар, нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар грантлари ва кредит маблағлари жалб этилиши мўлжалланган.

Дастурнинг ҳаётга тўла татбиқ этилиши ва юқоридаги олижаноб мақсадларга эришиш эса мутасадди ташкилотлар, идоралар, маҳалла фаоллари ҳамда кенг аҳолининг яқин ҳамкорликда фаолият юртишига чамбарчас боғлиқдир.

Касаба уюшмалари бозор шароитида

2. МАРҲАМАТ ҲАЙРАТ УЙҒОТАР

Қўйнидан тўкилса қўнжига, дейди халқимиз. Туманда ғалла ҳосилдорлиги ортган сари аҳолининг омборлари донга тўлаяпти. Қуйидаги рақамларга назар ташлайлик. 2001 йилда меҳнаткашларга 15135 тонна, 2002 йилда эса 19903,6 тонна буғдой тарқатилди.

Марҳамат туман универсал деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Назиржон Мамаковни ҳурсанд ҳолда учратдик. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарга қарашли дўконларни айланиб юрган экан.

– Ўтган йили деҳқон хўжаликлари билан тузилган шартномалардан катта фойда кўрдик, - деди у, – Корхонамизнинг товар айланмаси 20 миллион сўмга кўпайиб, 3 миллион сўмлик даромадга эришдик. Натижада бозор маблағи ҳисобига янги бешта дўкон қурилди.

Бозор айланишни давом эттирамиз. Гўштнинг 1800 сўмдан, буғдой ҳар килосининг 80-100 сўмдан сотилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Мана, боғбонлардан Ҳолбек Мадраҳимов ўз томорқасида етиштирган олмани 400 сўмдан, фермер Режаббой Неъматжонов бодомни 600 сўмдан сотаяпти. Ҳолбуки бошқа жойларда бу маҳсулотларни анча қимматга харид қилиш мумкин.

Акбарали меҳнат фахрийси Умриддин Юнусовнинг тўшакка михланиб қолганини эшитиб, тинчи бузилди. Касабақўм раисининг кўз ўнгидан собиқ бригадирнинг ҳаёт йўли бир-бир ўта бошлади. Елкасида кетмон, қишин-ёзин далада бўларди у. Ғоҳо тўнининг барини йиғиштириб, юз-кўзи лойга беланиб, зовур чопарди. Кузак кезларида лаблари тарс-тарс ёрилган ҳолда чаноқлар тирнаган бармоқларини ўтга товлаб ўтирганини одамлар кўп марта кўришган.

Бир умр дала тупроғини ўпиб яшаган одам бугун меҳр-мурувватга ташна. Шикаста дилларга қилдек ёруғлик тушса, кўнгил тоғдек кўтарилишини Акбарали Шокиров яхши тушунади. Ана шу хаёллар билан у иш берувчи ҳузурига отланди. Ширкат бошқаруви раиси ҳам Умриддин аканинг хўжаликка катта меҳнати сингганини яхши билади. Хуллас, икковлон отахонга ногиронлар аравачаси совға қилиш маслаҳатини пиширдилар. Шундай қилиб, касабақўм ҳамда бошқарув ҳайъатининг камхарж оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қўшма қарори лойиҳаси тайёр бўлди.

Кенгашли тўй тарқалмас, дейдилар. Бош ҳисобчи Келдивой маблағ, аравачани топиш масаласини раис ўринбосари Ҳасанбой ҳал қиладиган бўлдилар. Савобли ишга туман ҳокимлиги, касаба уюшмалари тармоқ кенгаши, «Ногиронлар» жамғармаси бош қўшдилар.

... Умриддин ота остонада меҳмонларни кўриб, оғриқ азобларини унутиб юборди. Ҳоким ўринбосари А.Ҳайдаров отахонни бағрига босиб, ҳол-аҳвол сўради. Ҳасанбой, Акромжонлар қарияни табриклаб, ярақлаб турган аравачага ўтқаздилар. Чеҳрасида табассум порлаган нуроний қувончдан дуога қўл очди.

«Машъал» ширкат хўжалигида ҳам фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси жамоа шартномаси орқали кафолатланган. Шартнома шартларига касабақўм ҳам, иш берувчи ҳам оғишмай амал қилмоқда. Аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш, соғломлаштириш ишларини ривожлантириш тадбирлари жамоа шартномасига алоҳида банд қилиб киритилган.

Бирда янги ташкил топган «Тўлға», «Равот», «Шукурмерган» маҳаллаларида газ ва ичимлик суви таъминотида узулишлар рўй бера бошлади. Иш берувчи билан касабақўм бақамти бўлиб, лойиҳасмета ҳужжатларини тайёрлаб, ҳокимиятга чиқишди. Туман ҳокими аралашуви билан ишлар жадаллашди. Яна бир йил мобайнида 60 ўринли янги қишлоқ врачлик шифохонаси қуриб битказилди. Асака-Қува, Марҳамат-Қува йўллари қайта таъмирланиб, асфальт ётқизилди. Жамоа шартномасида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулкдорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозир пахтачиликда 104 нафар, ғаллачиликда 93 нафар ижарачи иш юритмоқда. Уларга 2 минг гектар ер шартнома асосида берилган. Ерим деб, мулким деб жонкуярлик билан ишлашнинг шарофати ўзгача бўлар экан. Пахтачиликда 34 центнердан, ғаллачиликда 80 центнердан хирмон кўтарилди. Кўзланганидан 616 тонна кўп пахта, 992 тоннадан ошиқ дон тайёрланди. Кўпдан-кўп қолади, дейдилар. Эндиликда 31 миллион 825 минг сўм дивиденд пуллари қўлга тегай деб турибди.

Янгиликка ўч, ерни «сизлаб», ўзини «сенлаган» деҳқоннинг бугун ошиғи олчи. 40-44 центнерлик довондан ошган Баҳодир Сайдахмедовлар оиласининг қўлида жарақ-жарақ пул. Пахтадан 500 минг сўм фойда қилинди. Ғаллакор ижарачилардан Ваҳобжон Турсунқуловлар хонадони 80 центнердан буғдой етиштирди. Ўзига шартномадан ошиқча 8 тонна сара дон қолди.

Файз-барака ёғилаётган жойда меҳр-мурувват кўламли бўлади. Бунда касаба уюшмасининг ўрни ўзига хос. 2505 нафар аъзо 36 та цех ташкилотига бирлашган бўлиб, юқорида кўрганимиздек, уларнинг меҳнати ва турмуш шароити касабақўмнинг доимий назоратида. Ўтган йили 135 нафар фуқарога 2 миллион 455 минг 549 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 4 нафар меҳнат ногирони аравача билан таъминланди. 40 нафар фахрий санаторийларда дам олдирилди. Боқувчисини йўқотган оилаларга 2,5 тонна ғалла бепул ҳадя этилди...

Бундай хайрли ва саховатли ишларни санаб адоғига етиш қийин. Шу боис Марҳамат одамларда ҳайрат уйғотмоқда.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Мухбир нуқтаи назари

Ҳур Ўзбекистонимиз катта мақсадлар сари собитқадамлик билан олға бормоқда. Зотан, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти томон борилаётган жараёнда фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифалар ҳисобланади.

СУДЛАР

томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси қандай таъминланмоқда?

Амалдаги қонунларда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш фақатгина касаба уюшма қўмитасининг розилиги билан амалга оширилажаклиги белгилаб қўйилган. Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ишдан бўшаган ходимларни жамоа шартномасида кўрсатилган тартибда бошқа лавозимга ўтказиш, мулк шакли ўзгарганда бандлик кафолатлари асосида ишчини қайта тайёрлаш, ўқитиш ва малакасини оширишлиги кўзда тутилган.

Бироқ Қашқадарё вилоятининг айрим корхоналари, ташкилот ва муассасаларида иш берувчилар томонидан меҳнат шартномасини ноқонуний бекор қилиш ҳоллари учраб турибди. Шунинг учун ҳам меҳнат низоларини кўриб чиқишдаги камчиликлар ҳақида фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига даъво аризалари тушмоқда. Ўтган йилги фаолият таҳлил қилинганда қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб 925 нафар фуқаро судларга мурожаат этган. Аризаларнинг 890 таси кўриб чиқилиб, 930 таси бўйича суднинг ажрими чиқарилган. 618 та мурожаат қаноатлантирилган.

Қонун барча учун баробар. Аммо айрим иш берувчилар Меҳнат Кодексида белгиланган ҳолатларни четлаб ўтиб, ходимларни ҳеч қандай асоссиз ишдан бўшатганлар. Ноҳақликдан норози бўлиб, судга мурожаат этган Шаҳрисабз нон очиқ ҳиссадорлик жамияти ишчиси Шариф Ёдгоров, Чироқчи солиқ инспекцияси ходими Шуҳрат Жуманазаров, Ғузор туманидан Ўткир Ўтаганов, Деҳқонобод туманидан Нормингли Шариповлар ўз ишларига қайта тикланди.

Судлар фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилади. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатяптики, жойлардаги судлар томонидан қабул қилинган айрим қарорларнинг ижроси таъминланмаётир. Масалан, фуқаро дастри бошқармасига ишга тиклаш тўғрисидаги аризаси бўйича суднинг ҳал қилувчи қарори чиқарилган бўлса-да, у амалда бажарилмаётир. Фуқаро Дилбой Жабборовнинг Муборак пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятига ишга тиклаш, ойлик маоши ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси вақтида кўриб чиқилмаган. Қарши туман прокурорининг туман механизациялашган қурилиш бошқармаси, «Қаршисаноатуйжойқурилиш» ҳиссадорлик жамиятидан ходимларнинг иш ҳақини ундириш бўйича даъво аризалари Қарши туманлараро фуқаролик судида кўриб чиқилиб, ҳал қилув қарори қабул қилинган. Аммо қарорнинг ижроси эса назоратга олинмаган. Ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг ноқонуний ишдан бўшатилишида айрим касаба уюшма ташкилотлари етарли даражада қатъийлик кўрсатмаяптилар. Меҳнат низоларини кўриб чиқиш комиссиялари номигагина тузилган. Ходимларга ижтиомий имтиёз ва кафолатлар бериш кўрсатилган жамоа шартномалари айрим бандларининг бажарилиши кўнгилдагидек эмас.

Меҳнат жамоаси умумий йиғилиши маъқуллаган, корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раиси имзо чеккан жамоа шартномаси тўлиқ адо этилиши шарт. Зеро, иш берувчилар касаба уюшмалари билан ҳамкорликда ходимларнинг қонуний манфаатларини муҳофазалашга масъулдирлар. Энг асосийси, Ўзбекистон республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, мурожаатларни кўриб чиқаётган давлат органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини юзага келтирувчи сабабларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида аризалар, таклифлар ва шикоятларни белгиланган тартибда умумлаштирадилар ҳамда таҳлил этиб борилиши муҳимдир.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.



«Ғаллабанк»нинг Навоий бўлимида кундан-кунга мижозлар сони ошаётгани бежиз эмас. Сабаби, банк томонидан айни дамда 116 та деҳқон-фермер хўжалигига, 150 та хусусий тадбиркор ҳамда 71 та кичик ва ўрта бизнес корхоналарига самарали хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, бир қатор бюджет ва давлат ташкилотлари ҳамда ширкат хўжаликлари банк хизматидан мамнун. Ўтган йилда банк томонидан тадбиркорларга 407 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Буларнинг барчаси банк мижозларининг тобора ошишида муҳим рол ўйнайди.

Суратда: оператор Р.Алфарова.

С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

БАҲОРГА ҲОЗИРЛИК

Наманган вилоятида феврал ойининг иккинчи ўн кунлигида Наврўз байрамига бағишланган ободонлаштириш ойлиги бошланади. Вилоят аҳли ҳозирданоқ кўчалар ва хиёбонларни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштиришга киришди.

Шу муносабат билан вилоят марказида ҳашар бўлиб ўтди. Унда 67 та маҳалланинг 40 минг кишилик аҳолиси, 50 минг нафар мактаб ўқувчиси иштирок этди. Ҳашар давомида 15 мингтадан ортиқ манзарали ва мевали дарахт ўтказилиб, канал ва ариқлар тозаланди. Йигирма минг нафардан зиёд ишчи ва хизматчи эса бир кунлик иш ҳақини «Маҳалла» хайрия жамғармасининг шаҳар бўлимига ўтказишга қарор қилди.

«Обод маҳалла йили» дастури мақсад ва вазифаларига жавоб берадиган ободонлаштириш ойлигида мулкчилик шакли турлича бўлган барча хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этади.

ЭЛЕНОРА ТАЛАБА БЎЛДИ

Умумтаълим фанлари бўйича ўтказилган олимпиаданинг республика босқичида юқори натижаларга эришган Эленора Нураддинова Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг қорақалпоқ тили ва адабиёти факультети талабаси бўлди.

- Эленора катта қобилиятга эга, - дейди унинг устози Нукусдаги 27-мактаб ўқитувчиси Зулфия Ўтемуратова. - Иқтидори туфайли 9-синфдан бир йўла 11-синфга кўчди. Қорақалпоқ адабиётига, айниқса, фольклорга ихлоси баланд.

(ЎзА).

Иқтисодиётимиз таянчи

Солиқ энг ривожланган мамлакатларда ҳам давлат иқтисодиётининг таянчи ҳисобланади ва бу йўналишдаги қонунлар ғоят талабчандир. Буни яхши англаган туманимиз солиқ инспекцияси ходимлари бу борадаги талаб ва кўрсатмаларга қатъий амал қилишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Улар ўтган йилда 104 миллион сўм миқдорида маҳаллий солиқлар, жумладан, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлардан 82 миллион сўм миқдорида солиқ тўловларини йиғиб, режанинг бажарилишини таъминладилар.

СОЛИҚ ЁЛҒОННИ ЁҚТИРМАЙДИ

Солиқ бўйича йиғимларнинг муваффақиятли бажарилиши бу борадаги тушунтириш профилактик ишларнинг қандай йўлга қўйилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бинобарин, биз бу масалага ҳамиша катта эътибор бериб келамиз. Солиқ тўловчилар билан тез-тез учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиб турилади, солиқларнинг мамлакатимиз тараққиётидаги, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш соҳасидаги аҳамияти юзасидан тушунтиришлар берилади. Шунга қарамасдан айримлар солиқ ходимларини чалғитиш, нотўғри маълумотлар тақдим этиш, ўз зиммаларидаги бурч ва вазифани бажармаслик йўлини тутадилар.

Мисолларга мурожаат қиламиз: туманимизнинг Пастки Ровустон қишлоғида яшовчи Жакбарали Ҳайдаров ўз уйида чигиттдан қўлбола ёғ ишлаб чиқарадиган цех очган. Солиқ тўлашдан бўйин товлаб, уни ҳеч қаерда рўйҳатдан ўтказмаган. Ушбу ҳолат текшириш чоғида маълум бўлди. Ўғиринча тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган йигит 44 кг ёғ, 100 кг кунжара, 138 кг чигит ва бошқа далилий ашёлар билан қўлга тушди. Ровустон қишлоғида яшовчи Иброҳим Бурҳонов ҳам мана шундай ҳолатда ушланди. Ҳар иккисининг далилий ашёлари мусодара қилинди. Аввало, мураккаб технологик жараён талаб қиладиган, уй шароитида амалга ошириш мушкул бўлган қўлбола ёғ инсон саломатлиги учун ғоятда зарарли. Қолаверса, рўйҳатдан ўтмаслик солиқ тўлашдан бўйин товлаш сифатида баҳоланади. Ҳар икки «тадбиркор» ноқонуний қилмишлари учун жазоланди.

Шуларгина эмас. «Бошқарувчи Дилшод» масъулияти чекланган жамиятга қарашли савдо дўконида ўтказилган текширишлар чоғида дўкон мудири томонидан 140 минг сўмлик савдо пули банк ҳисоб рақамига топширилмасдан яширилган. Бунинг учун дўкон мудирига нисбатан юқоридаги сумма миқдорида иқтисодий жарима қўлланилди. «Умархон» хусусий фирмасида ўтказилган текширишда ҳам анчагина миқдордаги сумма ҳужжатларда кўрсатилмаганлиги маълум бўлди. Фирма раҳбари ҳам иқтисодий жазога тортилди. Булардан ташқари яна шундай ҳолатларда 8 та ҳуқуқий шахсларда 3370 минг сўм миқдорида яширилган пуллар аниқланиб, бунга сабабчи бўлган мансабдор шахсларга нисбатан 295,9 минг сўм маъмурий жарима қўлланилди ва давлат бюджетига тўлиқ ундирилди.

Тошбулоқ савдо уйининг хусусий дўкони ўрганиб кўрилганда ҳам қатор қонунбузарликлар аниқланди. Дўкон мудирининг айби билан савдодан тушган маблағнинг катта қисми ҳисоботда кўрсатилмасдан маҳсулот сотиб олиш учун чиқим қилиб юборилган. Худди шундай ҳолат «Маҳмуджон» масъулияти чекланган жамиятда ҳам содир этилган. Табиийки, айбдорларга нисбатан тегишли маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Маълумки, касса-назорат аппаратлари тадбиркорлар фаолиятини кузатиб боришнинг муҳим воситасидир. Лекин барча савдо шохобчаларида ҳам Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги талабига тўлиқ амал қилиняпти, деб айтиш қийин. Масалан, ўтган йилнинг иккинчи ярмида 32 жойдаги савдо шохобчаси фаолияти ўрганилганда 4 ҳолатда юридик шахслар ҳамда 3 ҳолатда жисмоний шахслар касса аппаратини ўрнатмасдан ишлаётганлиги маълум бўлди...

Ҳозирда баъзи жойларда ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган сохта тадбиркорлар пайдо бўлаётгани сир эмас. Улар халқ тили билан айтганда, Алининг дўпписини Валига кийгизиб, аслида чўнтакларини қаппайтириш, мўмай даромад топиш пайида бўлишмоқда. Солиқ инспекторлари бу каби ноқонуний кўринишларга қарши қаттиқ курашмоқдалар. Чунончи, инспекциямиз томонидан ана шундай «фаолият» юритаётган 10 та объект ўрганилди. Аниқланган камчиликлар бўйича беш ҳолатда юридик ва икки ҳолатда қатор жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўлланилди. Хулоса шуки, солиқни алдамоқчи бўлган, бу йўналишдаги қонунларга чап бераман деган одам ўзини алдайди.

Ў. МИРЗААҲМЕДОВ,
Наманган тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ, МЕН ЎЗИМНИ ТОПМАСАМ...

Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир

Алишер Навоий мероси юксак бир тоққа ўхшайди: узоқдан шундоққина кўл етгудек кўринса-да, бу бекиёс ижод оламига кириб борганингиз сари унинг нақадар улуғворлигини ҳис қиласиз. Олам ва Одамга дахлдор барча муаммолар, тушунчалар ўзининг юксак бадиий ифодасини топган бу шаклан гўзал, мазмунан чуқур асарларни мутолаа қилар экансиз, шоирнинг қанчалик буюклигини эътироф этасиз.

КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ

Шарқ сўз санъати ўзигача эришган барча ютуқларни мужассамлаштирган бу шеърият ҳақиқатдан ҳам теран, мураккаб, ранг-баранг. Хусусан, ҳозирги кунда Навоийни ўқиб тушуниш олдида олий математика ҳеч нарса бўлмай қолди. Чунки бунинг учун Шарқ фалсафаси, маданияти, адабиёти, мумтоз сўз санъатининг ижодий методи, образлар олами, ўзига хос рамзу ташбеҳлари, бадиий санъатлар, аруз вазни, араб ёзуви (ҳарфий ўйинларга асосланган шеърлар, абжадтаъриҳларни тушуниш, муаммоларни ечиш учун), эски ўзбек тилини билиш, форс ва араб тилларидан маълум даражада хабардор бўлиш талаб қилинади.

Алишер Навоий Ҳомер, Фирдавсий, Низомий, Румий, Данте, Шекспир, Гёте, Бальзак, Пушкин, Толстой каби жаҳон адабиётининг забардаст намоёндалари билан бир қаторда туради. Зеро, юксак бадийяти, теран фалсафаси, кенг қамрови, умуминсоний масалалар ўзининг ҳассос ифодасини топгани жиҳатидан Навоий асарлари жаҳон адабиётининг энг баркамол намуналари билан бўйлаша олади ва шоирнинг ўзи жаҳоннинг буюк санъаткорлари рўйхатида биринчи ўнликдан жой олишга ҳар жиҳатдан муносиб. Жалолиддин Румий ўз даврида лутф этиб: «Агар муслимият Саноийнинг улуғлигини кўра билсайди, жамики мўминларнинг қалпоғи бошидан тушарди!» – деган эди. Мен бу фикрни сал ўзгартириб: «Агар инсоният Навоийнинг буюклигини англаб етса, уни дунёга берган халқни бошига кўтарар эди!» – деган бўлар эдим. «Ҳафт авранг» хотимасида Абдураҳмон Жомий Алишер Навоийнинг истеъдоди ва маҳоратига юксак баҳо бериб, у Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий панжасига муносиб панжа ура олди, ҳатто улардан ҳам ўзиб кетди. Яхшиямки, у асарларини туркийда яратди, агарда форсийда қалам тебратганида борми, бошқаларга бу майдонда жавлон уриш учун мажол қолмасди, деб ёзади:

Ки гар буди он ҳам ба назми дари,
Намонди мажоли сухангустари.
Ба мизони он назми мўъжазмизом
Низомий ки буди-ю, Хусрав кадом?

Алишер Навоий ижоди абадий барҳаётлигининг сири шундаки, у азалий ва абадий мавзуларни юксак маҳорат билан қаламга олган: муҳаббат, вафо, дўстлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, мардлик, саховат, қаноат, адолат, олижаноблик, яхшилик каби инсоний фазилатларни улуғлаган бўлса, ёмонлик, зулм-зўрлик, ноҳаклик,эътиқодсизлик, бевафолик, дилозорлик, ҳасад, риё, кибр, ёлғон сингари иллатларни кескин мазаммад қилган. Инсонлар жамияти мавжуд экан, бу ижобий ва салбий хусусиятлар у ёки бу даражада яшайди. Бинобарин, Навоий каби ҳассос шоирларнинг эзгуликни улуғлаш, ёвузликни қоралашга йўналтирилган асарлари ҳамма даврларда ҳам жамият манфаатларига бирдай хизмат қилаверади.

Ўзбекистон мустақиллиги Алишер Навоийга гўёки иккинчи ҳаёт бағишлади. Шоирнинг 560 йиллик юбилейи тантанасида сўзлаган нутқида бу ҳақда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шундай деган эди:

«Ўзбекистон истиқлолга эришган 1991 йилни Навоий йили деб эълон қилганимиз, ўша унутилмас кунларда бобомиз руҳини шод этиш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкентда ул зотнинг табаррук номида Миллий боғ барпо этиб, унинг тўрида шоирга муаззам ҳайкал ўрнатганимиз бу борадаги хайрли ишларимизнинг дебочаси бўлган эди».

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида давлатимиз раҳбари Алишер Навоий ижодига яна бир марта жамоатчилик диққатини жалб қилиб, шоир асарларининг маънавий-ахлоқий тарбия учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлагани ҳам янги фуқаролик жамияти қуриш ҳамда унинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда шоир ғоялари ва фикрлари биз билан биргалигини кўрсатади.

Зеро, мустақил Ўзбекистон маънавий сиёсатининг асосида комил инсонларни тарбиялаш ғояси ётади.

Навоий барчадан талаб қилган ва ҳаммада бўлишини орзу қилган эзгуликларини мазмун-мундарижаси шунчалик кенгки, уларни бирма-бир санаб чиқиш учун ҳам лофи билан алоҳида китоб ёзиш керак бўлади. Аслида шоирнинг инсон тарбияси билан боғлиқ ўгит-насиҳатлари, фикр-мулоҳазалари, талаб-кўрсатмалари, орзу-истакларини бир ерга жамлаб, уларни тартиб билан жойлаштириб чиқса, инсоний камолатга эришиш йўллари кўрсатилган ўзига хос назмий дастур, қўлланма вужудга келади.

Комил инсонлар бирор-бир замонда дунё тақдирига бефарқ бўлмаганлар, ҳаётни ижобий томонга ўзгартириш, адолатсизлик, тенгсизлик, зулм-зўрлик, қўйингки, ёвузликнинг барча шакллари, инсоний қусурларнинг жами кўринишларини илдизи билан маҳв этиш, аксинча, эзгулик дарахтининг гуллаб-яшнаши, фаровон турмуш ва идеал жамиятни барпо қилиш, башариятни баркамол кўриш учун курашганлар. Инсоният жамияти уни иллатлардан фориғ этиб, фазилатларга ошно қилиш учун курашадиган ана шундай инсонлар туфайли пойдордир.

Алишер Навоий – маънавиятимиз осмонининг қуёши. Унинг зарраларидан баҳраманд бўлмай туриб, маънавий юксалиш тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас. Бинобарин, Навоийни ўқиш ва ўқиш маънавий юксалишнинг шарти ва воситаларидан бири бўлиши, ҳар бир ўзбекнинг маънавий даражаси маълум маънода унинг Алишер Навоийни нечоғлик билишига қараб белгиланиши керак.

Грузин халқида ажойиб бир анъана бор экан: турмушга чиқаётган қизнинг сепига албатта Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асарини қўшиб беришади. Қани эди, ҳар бир миллат ўзининг асл шоирларини ана шундай ардоқласа! Биз ҳам гарчанд Навоий асарларини қизларнинг сепига қўшиб бермасак-да, ҳар бир ўзбек хонадонида шоирнинг китоби бўлиши, асарларининг доимий ўқилишига эришишимиз керак. Зеро, Алишер Навоий ҳаётимизга қанчалик кенг кириб келса, шоир меросини замонга қанчалик кўп хизмат қилдирсак, жамиятимизнинг маънавий асослари шунчалик мустаҳкам, унинг аъзолари маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол бўлади.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.



Алишер Навоийнинг ўлмас ижоди бутун дунёда — Англия ва Америкада, Франция ва Италияда, Миср ва Покистонда, Туркия ва Эронда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. 1861 йилдаёқ М.Белин томонидан «Журнал Азиатик»да француз тилида улуғ шоир асарларининг библиографияси яратилган эди.

ҒАРБ ЭЪТИРОФИ

Олим мазкур журналнинг 1866 йилда чиққан 7-8-жилдларидаги «Шарқнинг буюк кишилари» сарлавҳали мақоласида Навоийнинг ҳаёти ва ижодига кенг ўрин беради. Шунингдек, 1841 йили Покистонда нашр қилинган туркий-шарқ хрестоматияси ва 1870 йили машҳур француз шарқшуноси, «Бобурнома» асарини француз тилига таржима қилган Паве де Куртейл томонидан тузилган туркий-шарқий қомусда ҳам шоир ҳақида маълумотлар келтирилган.

1904 йили Будапештда тадқиқотчи Ю.Тюри нашр эттирган «Туркий халқлар адабиёти тарихи» қўлланмасида, итальян шарқшуноси Алессио Бомбанининг 1956 йили Милан шаҳрида босилган «Турк адабиёти тарихи» китобида Алишер Навоийни шарқнинг улуғ шоирлари сифатида саналади ҳамда унинг асарларидаги муҳаббат мавзуига алоҳида эътибор қаратилади. Таъкидлаш ўринлики, А.Бомбанининг мазкур асари орадан 12 йил ўтгач француз тилига таржима қилинади, бир йилдан сўнг эса тўлдирилган ҳолда итальян тилида қайта чоп этилади.

Навоий ҳаёти ва ижодига доир инглиз тилида нашр этилган асарлар орасида эса К.Мандининг Лондон университети Шарқ ва Африка тадқиқотлари бюллетенидаги, Анна-Мария Шиммелнинг Шарқий Каролина университети (АҚШ) 1975 йили чиқарган илмий асарлар тўпламидаги мақолалари бор.

Буюк мутафаккир шоир асарларидан айримлари хорижий тилларга бир неча бор таржима этилган. Масалан, «Лисонут тайр» асари 1857 йили Парижда форс тилидан француз тилига, 1899 йили инглиз тилига угирилган.

«Шарқ кутубхонаси» номи билан машҳур бўлган французча оммабоп луғат-китобида ҳам Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ёритилган. Китобнинг 99-бетида «Алишер» сўзининг луғавий маъноси, унинг тарихий шахс сифатида машҳурлиги баён қилинган. Шу билан бирга, шоирнинг ўз кутубхонасини нодир асарлар билан бойитганлиги ҳам фахр билан тилга олинган. Китобдаги бошқа бир мақолада эса шоир ижодига қисқа таҳлил берилган. Бу XVII аср француз илмий-адабий муҳитида улуғ мутафаккир ижоди анча кенг ёйилганлигидан дарак беради.

Акбар АЛИЕВ.

НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонға хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳаре шарифроқ йўқ андин.

* * *

Кимки, фалак сори отар тошини,
Тош ила озурда қилур бошини.

* * *

Илм ўқуб қилмаған амал мақбул,
Дона сочиб, кўтармади маҳсул.

* * *

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.

* * *

Кулгуки, ўз ҳадидин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

* * *

Киши чинда сўз деса, зебодурур,
Неча мухтасар бўлса, авлодурур.

* * *

Халойиққа кўрма қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмаганни раво.

* * *

Яхши либос танга оройиш,
Яхши қўлдош жонга оройиш.

* * *

Ёрки, бор анда вафо, ёр бил,
Умр деган ёр-и вафодор бил.

* * *

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоқки кўнгул каъбаси.

* * *

Ҳусн малоҳатин идрок қилғучи ҳам кўнгил,
Ишқ ўти ёлиниға ёқилғучи ҳам кўнгил.

* * *

Топсанг неча шаҳлар узра шаҳлик,
Фақр аҳлига айла хокраҳлик.

БЕБАҲО БОЙЛИК

Ўзбекдан шоир кўп чиққан, лекин улар орасида фақат Алишер Навоийнигина улуғ мутафаккир деймиз. Бунга сабаб шуки, Навоийнинг тафаккур олами жуда кенг-чексиз, ҳудудсиз. Бироқ шу чегара билмас фикр майдони муайян қирралардан иборат. Тил, адабиёт, фалсафа, тарих, маънавият, мафкура ҳатто тиббиёт, фалакиёт ва ҳоказо соҳалар мутахассислари бу уммондан керагича дуру-гавҳар топа олади.

Буюк мутаффаккир таваллудининг 562 йиллиги муносабати билан Республика "Маънавият ва марифат маркази", Тошкент Енгил Саноат ва тўқимачилик институтида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир айнан "Алишер Навоийнинг тафаккур олами" мавзусига бағишланди.

"Туркистон-пресс".

ҲИДОЯТ ЗИЛОЛИ

Ҳазрат Алишер Навоий шеърияти адабиётимизнинг ишонган боғи ва суянган тоғидир. Чунки шу сўлмас ва ўлмас шеърият бизга инсонни - ҳақиқий инсон, миллатни - қудратли миллат, юртни - эркин юрт қиёфасида кўриш ва мукаммал билишни ўргатади. Биз Навоий шеъриятига кўнгил ва маърифат йўли ила қанча чуқур кириб борсак, ўзимизнинг сохта, ожиз, сунъий ёки маънисиз ҳолат ва даъволаримиздан ўшанча кўпроқ йироқлашишга зарурат сезамиз.

Навоий шеърда у ёки бу фикрни илгари суриш билан қаноатланмайди, балки ҳақиқат, ҳолат, муносабат манзараларини ҳам сувратлантириб беради. Навоий шеърда сўз ва туйғунинг амалий жиҳати ва ҳаётий заминига алоҳида диққат қаратади. Ва ҳеч қачон шеърхонга нисбатан ахлоқий-маънавий, фикрий талабчанликни ўзининг шахси ёки шахсий фазилатларидан ажратиб талқин қилмайди. Мана шунинг учун Навоийнинг шеърларида китобий донишмандлик йўқ. Мана шунинг учун ҳар қандай ғоя ва ҳақиқатдан Навоийнинг ижодий шахсияти юксакда туради. Яъни, Навоий чиройли сўз, кўзни қамаштирувчи аллақандай фикр ва ҳиссиётлар билан шахсини безаш, уни табиий тарзидан баланд кўрсатишга уринмайди. Аксинча, ҳар бир сўз, ҳар бир кайфият ва бадиий ифоданинг шахсият моҳияти ўз шахсияти имконияти ва куч-қуввати билан мутлоқ равишда мувофиқ бўлишга қатъий амал қилади.

Шу маънода Навоий ўзгаларнинг нуқтаи назари ёки танқидий муносабатларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Худди шундай ўринларда буюк мутафаккир шоиримиз нафсини қийнаш ва ўзининг ички аҳволини аёвсиз тафтиш айлашдан ҳузур топувчи маломатларга жуда яқин туради. Мана у ғазаллардан бирида нима деб ёзган эди:

Мени киши демаса эл
малул невчун ўлай,
Киши ҳисобида мен ҳам
узунни чунг санамон.

Бу байтнинг содда мазмуни бундай: эл мени одам қаторига қўшмаса, бундан нега хафа бўлишим керак. Чунки мен ҳам ўзимни ўзим киши ҳисобига қўшмайман.

Албатта, ушбу фикрлардан юзаки хулоса чиқаришга шошилмаслик керак. Чунки бунда энг аввало «Навоий назарда тутган эл ким?», «Навоий ўзликдан кечиш, яъни янги маънавий ўзликка эришиш деганда қандай ҳақиқатларга асосланган?» деган саволларга аниқ ва ишонарли жавоб топмоқ зарур. Ана ундан кейин байт замиридаги ички маъно бир қадар ойдинлашади ва дунёдаги ҳар қандай риё, адоват, алдов, ёлғон, маҳдудлик ва ожизлик ёки ноқисликлардан фориғ комил шахсият қудратига шоир нечоғлик умид билан қараганлиги изоҳсиз англашилади.

Инсонда икки хил нигоҳ бор: бири - зоҳирий, иккинчиси ботиний, яъни басират. Инсон ташқи дунёга меъёридан ортиқ даражада боғланса ва зоҳирий борлиқдаги нарсаларнигина кўриш билан кифояланса, у албатта ўзининг ички олами ила қизиқа олмайди. Чунки унинг учун қизиқарли, жозибали ҳамма нарсалар ташқарида. У ўзининг ботиний ҳаётидан ҳеч бир маъни топа олмайди ёки бутунлай зерикади. Натижада илоҳий моҳиятдан узоқлашган, руҳоний ҳиссиётлардан бегона, кўнгил завқларининг тотини билмайдиган бағри қаттиқ бир кимсага айланади. Навоий шеърларида буни инсон тақдиридаги энг асосий бахтсизлик ва сўқирлик ўлароқ талқин қилади. Навоийга кўра, ўзни англаш ва ўзликни мужоҳада этиш руҳ, қалб, кўнгил, дард, тафаккур хусусида сафсата сотиш эмас, одамнинг маҳзунликдан жасурликка, қайғу ва аламдан сокин бир фароҳга етказувчи басират нурига соҳиб бўлишидир. Акс ҳолда энг кучли шахсиятларни ҳам дунё тангага ўхшаб парчалаб ташлайди. Парчаланган, ўзини бутунлигини бой берган киши эса ҳар қанча уринмасин ўзидан ўзини тополмайди ва манфаат, таъма йўлида ҳеч бир юзсизлик, ҳеч бир риёкорликдан қайтмайди. Чунки унинг шахслик илдизи қуриган, ўзлик пойдевори бузилган бўлади. Шу боис ҳам Навоий «Муншоот»-даги мактубларидан бирида махсус таъкид ила «...Кўзларин басират шамъи ёрутқонлар дунё сори кўз солмайдурлар ва кўнгулларин ҳидоят зилоли оритғонлар олам меҳрини зарраи кўнгулга олмайдурлар», дейди.

Навоийнинг аксарият шеърлари ҳидоят зилолининг айни ўзидир, десак асло хато бўлмайди. Негаки, улар қалб кўзини шу даражада поклаб, руҳий ҳаётини шу қадар интизомга солиб бойитадики, нафсоний, ҳайвоний ва шайтоний ҳислар ҳам, майл ва интилишлар ҳам ўз-ўзидан малол етказа бошлайди. Малол аста-секин маломатга, ўзига нисбатан қаҳр ва қаттиққўлликка дўнади. Ва кечагина ҳаволаниб, дунёнинг ўткинчи ҳаваслари ила алданиб юрган киши ҳам «Худпарастликдан кўра бутпарастлик афзал» эканлигига тўла иқрор бўлади. Шеър ва шоирликнинг бош вазифаси ҳам ўқувчининг кўнглини, руҳи ва виждонини иқрор эта билиш, шу иқрор ҳаққи-ҳурмати виждонсотарлик «мусобақа»ларига мутлақо аралашмасликдир.

Умуман, бадиий ижодда бўлганидек, шеъриятда ҳам «бозори» чаққон мавзу, тушунча ва оҳанглар кўпдир. Бир-икки «мисқол» ҳасрат, армон, надомат ёки кўз ёши аралашган мавзу ва кайфиятлар, оҳангдор ифодалар билан диди, савияси ҳали шаклланмаган, саводи ўртачадан ҳам пастроқ шеърхон юрагига таъсир ўтказиш жуда осон. Хусусан, дард ва ҳасрат «юки»ни кўтаришга кўникмаган, изтироб «тажриба»сидан тамоман хабарсиз ўқувчи «нархи» арзон шеърларга тез алданади. Шоир буни билади. Лекин ўқувчи ёлғонга сеҳрланганини билавермайди. Навоий қитъаларидан бирида инсонларни тўғриликка даъват айлаб:

Тузлукка мойил ўлки,
ишинг борғай илгари,
Юз мушкул ўлса йўқса
минг олдингда ҳар
замон,

- дейди. Навоий шеърлари ўқиб-ўрганилгани сайин тўғриликнинг наинки ҳаётдаги, балки адабиётдаги қудрати ва истиқболига ҳам ишонч ортади. Чунки Навоий ижодиётидаги ҳар бир сўз - ҳаёт сўзи, қисмат сўзи, самимият сўзи мақомига кўтарилгандир. Навоийнинг инсонга меҳри ва шафқати, биринчи навбатда, инсонни катта-кичик ёлғон ва алданишлардан, ўзини кучсиз, чорасиз ва ташландиқ дея ҳис қилишлардан муҳофаза эта олишдадир. Навоийдаги бу муҳофизлик, таъбир жоиз бўлса, инсонни таниш ва танитишда хатога йўл қўймасликка ундашдан бошланади:

Кимники инсон десанг
инсон эмас,
Шаклда бир, феълида
яксон эмас.

Дарҳақиқат, инсон шаклан бир-бирига ўхшагани билан феъл, ахлоқ ва фазилатда ўзаро фарқланади. Дунёдаги барча тортишув ва муаммолар, келишмовчилик ва зиддиятларнинг асос манбаи мазмун-моҳиятидаги ана шу фарқланиш ҳисобланади. Навоий буни мукаммал билиш ва бартараф айлаш чоралари ҳақида мушоҳада юритаркан, икки қудратли кучга изчил суянади. Булардан бири - ишқ, иккинчиси - маърифат. Шунинг учун бизни Навоийга томон йўналтирадиган йўл ҳам ишқ ва маърифат эрур.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори.

КЎНГИЛ ФАСОНАЛАРИ

Ҳар бир улуғ санъаткорнинг кўнгли дунёвий ва ҳаётий ҳақиқатларнинг шаффоф кўзгусидир. Унда инсонга хос барча олижаноб ҳислар, дард ва изтироблар, умид ва маънавий интилишлар табиий равишда ўз аксини топади. Чунки у даврнинг барча воқеа-ҳодисаларини кўнгил мушоҳадасидан ўтказади, уларга кўнгил ҳукми билан баҳо беради ва кўнгил иқрорларини шеърхон диққатига ҳавола қилади. Шунинг учун ҳам даҳо санъаткорларнинг фикр-қарашлари, ҳаёл ва ҳолларини бирлаштирувчи йўл, энг аввало, кўнгил йўлидир. Кўп ҳолларда уларнинг башариятни меҳр-муҳаббат, дўстлик ва садоқат атрофида бирлашишга чорлашлари ҳам тасодифий эмас балки кўнгил талаби ва эҳтиёжининг юксак ифодасидир.Ҳазрат Алишер Навоийда ҳам худди шундай.

Навоий лирик қаҳрамони кўнглидан борлиқни, борлиқдан эса ўз кўнглини излайди. Шунинг учун ҳам унинг кўнгли уйғоқ, мудом ҳаракатда. У гоҳ нафс шумликларидан озор чекса, гоҳ ҳажр шиддатидан қувват олади. Баъзан ақл ҳукмидан бош тортса, баъзан аламга тоқат қилолмай кўз ёш тўкади. Уни гоҳ «қон ютган ғунча»дек, гоҳ ишқ даштида «парканд-парканд» кўрасиз. Аслида шоирнинг «кўнгил фасоналари»ни ошкор айлаб, уни оламга достон қилмоқ нияти йўқ. Бироқ уни яширишнинг ҳам имкони йўқ. Шунинг учун ҳам у:

Кўнгул фасоналари, сизни,
ваҳ нетиб яшурай,
Бу навъким, юз уза қон ёш ила
ёзиласиз, —

дея зорланади. Бу сатрлар ошиқ-шоир қисматининг изҳори. Унда Навоийнинг уйғоқ руҳи, ўткир иродаси, теран фикри, ёниқ сўзи мужассам. Бу «Фасоналар» ишқу муҳаббат, олам ва одам, фано ва бақодан сабоқ беради. Хуллас, шоир шахсини теран англашга йўл очади.

Навоий ғазалларида кўнгил сир-асрорини тасвирлар экан, унинг инсон ҳаётидаги ҳар бир ҳодиса билан муносабатини ёритишга ва шу орқали кўнгил қийматини белгилашга ҳаракат қилади. Шоир ижодида ишқ ва кўнгил муносабати энг аввалги ўринда туради.

«Кўнглумни ғаму дард ила қон айлади ишқ» деб ёзган улуғ Навоий бу қонли кўнгилни гўзаллик, эзгулик ва покликнинг ўзига хос кўзгуси сифатида талқин этади. Ишқ ва кўнгилнинг турфа савдолари, ошиқнинг руҳий изтироблари баҳс юритади. «Ул девонайи саргаштадин безор» бўлган ошиқ номидан:

Кўнгулдин жонга еттим, эй ажал,
нетгай халос этсанг
Мени ул телбадин, ул телбани
мен нотавондин ҳам,-

деб ёзади. Бироқ орифнинг «эрур кўнгилда сафо ишқ тоза доғи била» деган эътирофи ошиқ шоирнинг фикрини гўё ўзгартиради. Кўнгил ишқдан, ғаму изтиробдан шуъалаланишини англаган ошиқ энди мана бундай қарорга келади:

Чу фироқ шиддати, эй кўнгул,
ғами ишқ лозимаси эмиш,
Не етишса чек, чу ўзунг бурун бу
балони мултамас айладинг.

Кўнгил ҳажр андуҳида ёнса ҳам, ёр бевафолигидан озор чекса ҳам, маломат остида қолса ҳам ишқдан воз кечмайди. Чунки ишқ-кўнгил мулки. Кўнгил ишқ туфайли ҳаётга, инсонга, Ҳаққа яқинлашади. Кўнгилнинг қуввати ҳам, камоли ҳам ишқда. Шунинг учун ошиқ озорларни назарга илмай:

Кўнгул эвига ғаму ғусса селидин
не қусур,
Ки бода лойи била қилмишам
они маъмур,

дея кўнгилни «бода лойи» - ишқ билан таъмир этишини уқтиради.

Кўнгил ишқдан юксалса, нафс таъсирида тубанлашади. Сўфийлар эътирофича, нафс вужуднинг энг тубан табақаси. Ундан юқорида қалб, руҳ ва сир мартабалари бор. Ҳою ҳавас ва нафсга қул бўлиш кўнгилни ўз моҳиятидан йироқлаштиради. Шунинг учун ҳам шоир ғазалларида:

Эй Навоий, ғайр нақшидин орит
кўнгулнгниким,
Файз мумкин эрмас ўзни қобил
этмасдан бурун,-

дея нафс талабларига бош эгмай, «ғайр нақшидин» кўнгилни пок тутиш лозимлигини ёзади. Зеро, комилликнинг бош талабларидан бири ҳам ана шудир.

«Кўнгул уз чарх золидин» деган шоир ҳар бир ғазалида кўнгил турли ноқисликлардан қутилиб, юксак фазилатлар касб этиши лозимлигини уқтиради:

Эй кўнгул, куйдур таъма тухмин,
таманно мазраин,
Бу экин невчунки ҳаргиз айламас
доно писанд.

Ёки:

Даҳр иши олудаликдир, эй хушо
ул покрав,
Ким ўтар бу жийфаға кўнглини
мойил қилмайин.

Дунё иши чиркинлик, ким пок яшашни истаса бу ўтар «жийфа», яъни ўлимтикка кўнглини мойил қилмасин, дейди шоир. Навоий эътирофича, кўнгилни «жаҳон гулзори»га боғламаслик, уни «хутур баҳридин» асраш орқали инсон ўзида жаннатни топади:

Нақш этиб кўнглумга жаннат
эврилурмен кўюнгга,
Айларам бу навъ ила жаннатни
кўюнг садқаси.

Хуллас, Навоий лирик қаҳрамони кўнгил орқали борлиққа назар солади. Ҳар бир ҳодисани кўнгил мушоҳадасидан ўтказади ва унга кўнгил ҳукми билан баҳо беради. Унинг кўнгли ҳаётдан инсонга, инсондан Ҳаққа таважжуҳ этади. Шу мақомгача юксалган кўнгил энди бутунлай бошқа назар билан инсонга ва ҳаётга қарайди, барча ҳодисанинг моҳиятини шу қараш билан белгилайди. Бундай кўнгил ҳат завқини англаган, яшаш сирларидан ҳузур топган комил кўнгилдир. У ишқу муҳаббат, дўстлик ва садоқат,эзгулик гўзалликнинг манбаи. Шунинг учун ҳам кўнгилга инсон ҳақиқати, умрнинг мазмунини белгиловчи сифатида қаралган. Алишер Навоий эса бу ҳақиқатларни акс эттиришда тенгсиз истеъдод соҳиби эканлигини кўрсата олган.

Насиба БОЗОРОВА,
филология фанлари номзоди.

«УСТОЗ ШОИР»

айланма кроссворд

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1.Алишер Навоий шарафига энг кўп жой номлари қўйилган ва ҳайкаллар ўрнатилган маскан. 2.Мусиқали театр саҳнасида Фарҳод сиймосини гавдалантирган атоқли санъаткор. 3.Алишер Навоий замондоши, муаррих. 4.Шоир ғазалларига мусиқа басталаган устоз бастакор. 5.Алишернинг отаси ҳокимлик қилган шаҳар. 6.Навоийнинг тоғаларидан бири, замонасининг етук шоири. 7.1488 йилда ёзган асари номи «Сирожул ...». 8.Назм ихлосмандлари анжумани. 9.«Хамса» достонида адолатпарвар, подшоҳ образи. 10.Сўз санъати. 11.Ўзбекистон халқ шоири, «Навоийнома» асари муаллифи. 12.Навоийнинг устоз деб билган атоқли ўзбек адибларидан бири, романнавис. 13.Асар муаллифи, ёзувчи маъносини англатувчи китобий атама. 14.Алишер Навоий асарлари қаҳрамонларини мўйқаламда гавдалантирган Ўзбекистон халқ рассоми. 15.Навоий ғазали билан айтиладиган мумтоз ашула. 16.Шоир томонидан Ҳиротда бунёд этилган мадрасалардан бири. 17.Алишер Навоий сиймосини театр саҳнасида биринчи бўлиб ижро этган устоз актёр. 18.Шоир достони асосида саҳналаштирилган опера. 19.Навоий рисола ёзиб қолдирган, айрим байтлардан иборат бўлган мустақил асар. 20.Кино экранида Алишер Навоий образини ижро этган санъаткор.

МУАММОНОМА

Қуйидаги таърифланган сўзларни топиб очқичи ҳал этинг. Қавсда жавобнинг неча ҳарфдан иборатлиги берилган.

1.Шоирнинг кўтаринки руҳда ижод этиш пайти. (5)

2.Алишер Навоий 1487-1489 йилларда ҳокимлик қилган шаҳар. (8)

3.Тўрт мисрали Шарқ шеъриятига хос асар. (4)

4.«Фарҳод ва Ширин» достони асосидаги мусиқали саҳна асарида Ёсуман образини ижро этган устоз санъаткор. (11)

5.Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек романи. (6)

6.Навоийнинг саҳнадаги севгилиси. (4)

7.Алишер Навоийнинг дўсти. (5)

8.Ўзбек ва форс тилларида ижод этган шоирларга бериладиган ном. (11)

9.Халқ қўшиғи тури. (4)

10.Шеърий тўплам. (5)

11.Асар воқеаларининг якуни. (4)

12.Навоий ғазали билан айтиладиган мумтоз ашула. (7)

13.Насрий асар тури. (5)

14.Шоирнинг устози. (6)

15.Саҳна асари қисми. (5)

Энди шаклнинг ички қисмидаги рақамларни очқич сўзлардаги биринчи ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Уларни йўналиш бўйича ўқиш билан Алишер Навоий меросига мансуб ҳикматли сўзларни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Иккинчи истеъдод

Раҳимбой Каримов «Хива гилами» ҳиссадорлик жамиятида кўп йиллар оддий ишчи бўлиб меҳнат қилди. Айни пайтда касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасида фаолият кўрсатаяпти. У бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. «Кўз тегмасин камолингизга», «Тонгдаги тилак» номли тўпламларидан жой олган шеърларида она юртга садоқат, меҳр-муҳаббат, иймон-эътиқод, инсонийлик каби туйғулар тараннум қилинади.

ЁНИБ ЯША

Шишага тенглама дуру садафни,
Зийрак бўл, ноўрин ишлатма гапни.
Турналарга қара, бир мақсад билан
Учади бузмасдан тизилган сафни.
Бу бахтли даврондан қувониб яша,
Элим деб, юртим деб сен ёниб яша.

Қачон мис олтиндан сара бўлибди,
Қачон оппоқ тола қора бўлибди.
Теракни кўр, текис ўсгани боис
Айвонда нақшинкор ўра бўлибди.
Жонажон халқингга суяниб яша,
Элим деб, юртим деб сен ёниб яша.

Яхши ният билан босгин қадамни,
Иссиқ меҳринг бирла сийла одамни.
Сахий қуёшни кўр, ўз нури ила
Азалдан ёритар борлиқ, оламни.
Яхши ниятларга таяниб яша,
Элим деб, юртим деб сен ёниб яша.

СЕН БОРСАН

Қорларнинг оқлиги қалбимнинг ранги,
Сойлар жўшқинлиги – юрак жаранги,
Булбул наволари – ишқим оҳанги,
Сен борсан, мен борман – севгимиз бордир,
Умрбод бизларга бахт-иқбол ёрдир.

Қалбингни банд этган илоҳий бир руҳ,
Юрагинг севинч-ла лиммо-лим, тўлиғ,
Ҳаётнинг ҳар куни сен учун қутлуғ,
Сен борсан, мен борман – севгимиз бордир,
Умрбод бизларга бахт-иқбол ёрдир.

Юрак ёниб кутар сени кўп интиқ,
Азизам, бахтли йўқ бизлардан ортиқ,
Керак бўлса сенга жон қилай тортиқ,
Сен борсан, мен борман – севгимиз бордир,
Умрбод бизларга бахт-иқбол ёрдир.

Раҳимбой КАРИМОВ.

Турфа олам

ЛАЙЛАКЛАР, БУ ЛАЙЛАКЛАР

Ер юзида лайлакларнинг 18 тури мавжуд бўлиб, кўп мамлакатларда бу парранданинг икки тури яшайди. Булар оқ лайлак ва қора лайлакдир.

Оқ лайлак ҳам, ўз навбатида, уч турга—Европа лайлаги, Туркистон лайлаги ва Хитой лайлагига бўлинади. Лайлаклар йирик паррандалар жумласидан бўлиб, уларнинг узунлиги бир метрдан ошади. Қанотларини ёйганда 2 метру 25 сантиметрга боради. Бу паррандалар одатда, тўп-тўп дарахтлари бўлган очиқ жойларга уя солади. Лекин сувга мўл, ботқоқликлари, пичанзорлари бўлган пастқам ерларни маъқул кўради. Улар оҳиста, «сипо» юрадилар. Лайлак учмоқчи бўлса, салмоқли танасини ҳавога кўтариб олиш учун, аввал, бир мунча масофага югуриб боради. Бироқ у енгил ва чиройли парвоз қилади. Бу паррандалар шамол ва ҳаво оқимларидан яхшигина фойдаланади.

ҚУШ ҚАНОТИГА ТАҚЛИД ҚИЛИБ

Қушлар сингари парвоз қилиш башариятнинг энг азалий ва эзгу-умидларидандир. Халқимизнинг учар гиламлари Семурғ қушга миниб парвоз қилиш тўғрисидаги чўпчакларига ўхшаш юзлаб эртаклар, ривоятлар дунёдаги бошқа халқларда ҳам учрайди.

Қадимги юнонларнинг Дедал ва Икар тўғрисидаги машҳур афсонаси қанотли кишилар тўғрисидаги ривоятларнинг энг ажойиби бўлса ажаб эмас. Шунинг учун ҳам учиш аппаратини ясашга биринчи бўлиб киришган улуғ рассом ва олим Леонардо да Винчидан ўқитувчиси «Қадимги Юнонистоннинг энг улуғ олими ким?» деб сўраганда, у Дедалнинг ўғли Икар, деб жавоб берган экан.

Леонардо да Винчи қушлар парвози сирини билиб олиш учун уларнинг анатомиясини, қанот тузилишини синчиклаб ўрганди. Олим қуш қанотига тақлид қилиб гўё одамнинг ҳам парвоз қилишига имкон берадиган сунъий қанот расмини чизди.

МУМИЁИ АСЛ

Шарқ табобатчилигининг энг машҳур дориси—мумиёи асл ҳақиқатдан шифобахшлигини тажрибалар тасдиқламоқда. Мумиёи аслдан фақат суяк синишида эмас, балки бошқа касалликларни даволашда ҳам фойдаланилмоқда. Мумиё асосан тоғ жинслари ёриқларида, ғорларда, арча поясида учраб, атроф шароитига боғлиқ ҳолда эриган қора мум, қотган смола кўринишида ҳар хил органик моддаларга, тош қумга аралашган ҳолда бўлади.

Қизиғи шундаки, мумиё тоғларнинг албатта жануб, жануби шарқ ва жануби ғарб томонида учрайди. Кузатишлар тоғда яшовчи турли ҳайвонларнинг мумиёга ўчлигини кўрсатади. Кунларнинг бирида кийикнинг синган оёғи мумиёга ботиб «мумиёлашиб» қолганлигининг гувоҳи бўлдик. Илгариги донишмандларнинг «Яраланган кийикнинг кетидан қолма, у сени мумиё бор жойга элитади» деган гапларида жон бор, албатта.

А. АКБАРОВ тайёрлади.

САМАРҚАНД ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ

Самарқанд шаҳридаги бокс саройида 1987-88 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида вилоят очиқ чемпионати ўтказилди. Мусобақада Самарқанд вилояти туманлари ҳамда Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятидан келган 123 нафар ёш чарим қўлқоп устаси ўзаро куч синашди. Ўз вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритган 15 нафар боксчи март ойида ёшлар ўртасида ўтказиладиган мамлакатимиз чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Нукус туман марказида ҳашар йўли билан янги спорт мактаби қуриб ишга туширилди. Айни пайтда бу ерда 485 нафар ўғил-қиз спортнинг уч тури билан шуғулланади.

- Ҳашарда туман ўрмон хўжалиги, «Оқманғитагроқурилиш» ташкилоти айниқса жонбозлик кўрсатди, - дейди спорт мактаби директори Давлатбой Собуров. - Мажмуани спорт анжомлари билан жиҳозлашда туман ҳокимлигининг ёрдами катта бўлди. БМТнинг тараққиёт дастури лойиҳаси бўйича тендерда қатнашиб, ўтган йилнинг ноябр ойида 10 миллион сўмлик грантга эга бўлган эдик. Шу маблағ ҳисобидан мактабни тўла жиҳозладик.

Қисқа фурсатда мактаб республикада анча танилиб қолди. Бунда мусобақаларда юқори кўрсаткичларга эришаётган мактаб тарбияланувчиларининг хизмати катта бўляпти. Азамат Бекчанов, Жонибек Бердиев, Даниэл Бектурғановнинг имкониятлари мутахассислар томонидан, айниқса, юқори баҳоланмоқда.

(ЎзА).

Қарши шаҳридаги «Қарлиқбоғот» маҳалласида яшовчи Эшонқул Муродов яқинда ўзининг Пайғамбар ёшини нишонлади. Қарийб 40 йилга яқин шаҳар газлаштириш идорасида мухандис бўлиб ишлаган Эшонқул ота турмуш ўртоғи Шарофат Мустафоқулова билан 6 нафар фарзанди бир неча неварани тарбиялаяпти.

Қашқадарё газ шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Рустам Муродов жамоа номидан отахонга тўн кийгизди.

Шавкат СУЛТОН олган сурат.

УЧИНЧИ ЧОРАК

янги мактабда

Бўка туманидаги Ғаффор Азаматов номли ширкат хўжалигида жойлашган 6-мактаб ўқувчиларининг ярми учинчи чорак дарсларини янги, замонавий лойиҳа бўйича қурилган мактабнинг ёруғ синф хоналарида ўтаяптилар.

1985 йилларда қурилиши бошланиб, маблағ етишмаслиги сабабли тўхтаб қолган ушбу бино кейинги икки йил ичида қад ростлади. Туман «Бинокор» қурилиш ташкилоти (МЧЖ) бунёдкорлари томонидан амалга оширилган пардозлаш ишлари, айниқса, соз бажарилганлигини таъкидлаш жоиз. Мактаб 20 та фан кабинети, 2 та лингофон ва 1 та компьютер хонасига, спорт зали ва қўшимча хоналарга эга бўлди. Ҳовлидаги спорт майдончаси ва теннис корти ҳамиша болалар билан гавжум. Тажриба боғида 400 туп мевали дарахтлар, 100 туп арча ўтказилди.

Саккиз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган бир неча қишлоқни ўзига бирлаштирган ширкат хўжалиги бошқаруви хайрли ишларда бош-қош бўлиб келаяпти. Мактаб биноси атрофидаги майдонларни текислаш, мевали дарахтлар, арчаларни сотиб олиш, ўтқазиш, кўкламзорлаштириш ишларида хўжалик томонидан маблағ ва техника ажратилди. Бундан ташқари кўплаб кўргазмали қуроллар хўжалик маблағи ҳисобидан олинди.

Ушбу мактабни ишга туширилишининг яна бир муҳим томони – қишлоқ четидан, кичик қишлоқлардан марказдаги мактабга қатнаётган ўқувчилардан 500 нафари бир ярим километр йўл босиш қийинчиликларидан халос бўлдилар. Уларга 50 нафар ўқитувчилар фан сирларидан сабоқ бермоқда.

Янги мактабда ўқув машғулотлари бошланиши билан хўжаликдаги учта мактабда машғулотлар асосан бир сменага ўтилди.

Темур ҲАЙДАРОВ.

Улуғ аждодларимиз

Ер куррасидаги ўсимликларнинг турли касалликларга даво бўлиши инсонларга жуда қадим замонлардан маълум. Масалан, бундан беш минг йил олдин ёзилган «Шень-нун гиёҳномаси»да 230 турдаги шифобахш ҳамда заҳарли ўсимликлар тўғрисида маълумот берилади.

БЕРУНИЙ

доришунос ҳам бўлган

Тарихчи олим Тоҳир Каримнинг «Авесто изидан» китобида келтирилган ривоятда таъкидланишича, тангри Зардуштга қўлидаги сопол идишини Дайта (ҳозирги Амударё) дарёсининг ўртасига бориб сувга тўлдиришни, керакли ўсимликларнинг илдизи, япроғи, пояси, гулини аралаштирилган ҳолда қайнатиб, шифобахш «Хаома» шарбати тайёрлашни буюради. Муҳими, бу шарбатни истеъмол қилиш орқали инсон барча ташвишларидан озод бўлиши баён этилади.

Шифобахш ўсимликлардан тиббий мақсадлар йўлида фойдаланиш борасида буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруниийнинг хизматлари бениҳоя каттадир. 150 дан зиёд бебаҳо асарлар ёзиб қолдирган алломанинг энг сўнгги асари — «Сайдана» (Китоб ас-Сайдана фи-тибб) айнан тиббиётдаги шифобахш ўсимликларга бағишланган. 1047-1048 йилларда араб тилида ёзилган ушбу асар ўрта асрларда Европа мамлакатларида «Фармакогнозия» номи билан машҳур бўлган. Афсуски, Беруний асарини кексайиб қолган вақтида ёзишга киришгани боис уни ниҳоясига етказа олмайди.

Асарнинг арабча асл нусхаси 1927 йили Туркия кутубхоналарининг биридан топилади. Келиб чиқиши фарғоналик табиб Абубакир ибн Али ал-Косоний мазкур асарни 1211 йили Ҳиндистонда форс тилига таржима қилган. «Сайдана»нинг Бурса шаҳрида сақланаётган ягона қўлёзма нусхаси 133-варақдан иборат бўлиб, ал-Ғазанфар исми билан машҳур бўлган Абу Исҳоқ Иброҳим ат-Таббирий ундан нусха кўчирган. Бу нусха ҳозирда Лондондаги «Британия музейи» кутубхонасида сақланмоқда.

Асар таниқли шарқшунос Убайдулло Каримов томонидан 1974 йили рус тилига таржима этилиб, нашрга тайёрланган. «Сайдана» алфавит тартибида ёзилган бўлиб, унда 1116 тур дори-дармонлар тавсифланган. Бу дори-дармонларнинг 750 таси турли ўсимликлардан, 101 таси ҳайвонлардан, 107 таси эса маъданлар (минераллар)дан олинган. Унда ҳар бир ўсимлик, ҳайвон ва минералнинг хоссалари, тарқалиши ва бошқа хусусиятлари келтирилади.

«Сайдана»нинг доришуносликка оид бошқа асарлардан фарқи шуки, Беруний ҳар бир ўсимлик, ҳайвон ёки маъданнинг номини бир неча — араб, форс, юнон, ҳинд (санскрит), хоразмий, суғдий тилларида келтиради. Умуман, китобда дорилик моддаларнинг 30 дан ортиқ тил ва лаҳжалардаги 4500 та номи қайд этилган. Бу Беруний давридаги табиб ва доришунослар учун қанчалик муҳим бўлган бўлса, ҳозирги замон тадқиқотчилари учун ҳам шунчалик қимматлидир. Маълумки, Беруний ёшлик чоғларидан бошлаб доривор ўсимликлар билан қизиққан ва уларнинг бошқа тиллардаги номларини аниқлаб юрган. Фикримиз исботи учун китобдаги бир маълумотни келтириш мумкин. Жумладан, Беруний Румдан келган кишига бир ўсимликнинг мевалари, донлари, уруғларини кўрсатиб, унинг тилида қандай аташларини, номини сўраган ва ёзиб олганини ҳикоя қилади. Ёки «Жуда ёшлигимда бир туркман қарияни кўрганман, исми Субай Хирма. У Хоразмга турли гиёҳ, дорилар келтирар эди. У айтар эди: китобларда таърифланган дориларни унинг ўзи гиёҳлардан тайёрлар экан. Мен ўзим шоҳид: у келтирган мўмиё дардга даъво берарди», деб ёзади.

Беруний «Сайдана» асарида ёввойи ўсимликлар устидаги кузатишларини алоҳида таъкидлайди: «Хоразмда беда экини орасида бир ўсимлик ўсади, уни шангтар деб аташади. Ранги тўқ яшил, барглари тик ва аррасимон. Таъми жуда аччиқ, гуллари ҳаворанг, уруғи сачратқининг уруғига ўхшайди. Уни баъзан сачратқи ўрнида дориликка истеъмол қилишади».

Илмий изланишлар натижасига кўра, «Сайдана»дан ўрин олган ўсимликлардан 224 таси мамлакатимизнинг турли ҳудудларида учраши аниқланган. Улардан 135 таси ёввойи, 89 тури маданийлаштирилган бўлиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилади. 81 тури эса тиббиётда, 119 тасидан халқ табобатида фойдаланиб келинмоқда.

Хуллас, буюк доришунос олим Абу Райҳон Беруниийнинг табобатга оид ушбу асари минг йилдан ортиқ давр мобайнида қиммат-баҳо мерос сифатида эъзозланиб, жаҳон табобатига салмоқли ҳисса қўшиб келган.

Марҳамат МАТВАФОЕВА, ЎзФА «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази илмий ходими.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 21017 Буюртма Г— 118. 1 2 3 4 5 6